

ОИЛАДА ШАХСЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ВА МУЛОҚОТ ПСИХОЛОГИЯСИ

Абдуллаева Гуландом Ўқтамовна
Андижон шаҳар педагогика коллежи психологи.

Аннотация: Фарзанд тарбияси чин мъянодаги барчамиз учун хатолликларга йул қўймаслик ўз вақтида меъёрлардан оширмаган ҳолда болага психологик ёндашув жараёнларни амалга оширишимизни талаб қиласди. Мақолада муаллиф томонидан оилада шахслараро муносабатлар ва мулоқот психологияси тўғрисида маълумотлар баён этилган.

КИРИШ

Мамлакатимизда бугунги кунда ёшлилар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилаётганилиги бу, эртанги кунимиз учун катта пойдевор эканлигини барчамиз яхши биламиз. Бундай мъсулиятли вазифаларни амалга оширишда барчамиз мъясул эканмиз, уни ситқи дилдан амалга оширишимиз зарур.

Сир эмас хозирги кунда бутун дунёда глабаллашув, маданиятлар аралашув жараёнлари кечмоқда. Бундай мураккаб жараён нафақат ёшларга, балки биз катталар дунёқарашига ҳам таъсир кўрсатмоқда.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Айниқса ахборот технологиялари кундалик ҳаётимизга шу қадар шиддат билан кириб келаяптики, буни ҳар қандай рақамларсиз ҳам кузатишмиз мумкин.

Бунинг учун асосий қилишимиз лозим бўлган ишларимиздан ёшларда кучли фуқоролик позициясини шакиллантиришда, амалиётда кўпроқ ота-оналар билан хамкорликда тарбия жараёни ва махалла томонидан хамкорликдаги ишларни амалга ошироғимиз зарур.

Кимdir “ Тарбия хаммага маълум нарса-ку, вақти келса, Худо ҳохласа, ўз – ўзидан йўлини топиб кетади “, - дейиши мумкин. Лекин байзи ота-оналарнинг эътиборсизлиги туфайли фарзадлари улардан олган пулларни интернет клубларда бефойда ўйинларга хашлаб ёки Мобель телефонлари орқали ўзларига зарар бўлган бўшлиқларни сотиб олмоқда.

Фарзанд тарбияси чин мъянодаги барчамиз учун хатолликларга йул қўймаслик ўз вақтида меъорлардан оширмаган ҳолда болага психологик ёндашув жараёнларни амалга оширишимизни талаб қиласди. Ўз вақтида берилган панду-насихат, одоб - ахлоқ, таълим тарбия буларнинг барчаси ёшларимизни келажакда комил инсон бўлиб камол топишида, юрт корига ярайдиган чинакам ватанпарвар шахс сифатида гавдалантира олади. Тарбияни ҳамда, мулоқот

маданиятини энг аввало оиладан бошлишимиз керак. Чунки бола туғилибдики биринчи бор ота-онасини қўради. Бола ёш пайитидан бошлаб ота-онадан мулоқот орқали ўзидан катталарга хурмат ва самимият билан мулоқотда бўлишни, катталар гапираётганда сухбатига аралашмасликни, тинглашни ва энг аввало саломлашиш одобини ўрганиши лозим. Ёшларимиз болалик пайтларида оиласидан ва айниқса, ота-онасидан нимани ўрганса ўша тарбия орқали вояга етадилар. Биз яшаётган тинч ва осуда давлат. миллатимизга хос бўлган миллий қадирятлар, миллий урф одатлар, аньаналар, маънавияти бой халқ эканлигимиздан далолат беради.

Шундай мамлакатда яшаётганимиздан хар биримиз фахирланиш билан бир қаторда келажак авлодимиз бўлган ёшларга тўғри тарбия бериш, энг асосийси муомила, мулоқат маданиятини ўз вақтида жойида ўргатиб боришимиз даркор. Ёшларимизда юқорида такидлаб ўтган фазилатларни барчаси мужассам бўлса билинки, у болалигида тарбияни ўз вақтида олиб улгирган хисобланади.

Тарбия ҳавога ўхшайди. Уни кўриб бўлмаса ҳам, таъсирини ҳар сонияда сезиш мумкин, худди йўл четидаги боғдек.

Бугун ҳар бир ота-она педагог бўлиши керак, бу педагогиканинг сирасорларини билиш, қўллай олиш дегани. Педагогика ўз нима? Одамни инсонга айлантириш илми. Фанлар орасида энг қадимийси ҳисобланган.

Ўзбекистон қаҳромани Озод Шарафуддинов “Оила инсоннинг ҳамма сиру синоатларини ўзида мужассамлаган олтин сандиқ, уни баҳт фабрикаси деб атаса ҳам бўдади ва хусусан, инсонни қайғу-аламлари, дарду-хасратлари, кўз ёшлари ҳам оиладан бошланади, шунинг учун ҳам оилани фарзандларини ва хаттоки куёвини ҳам келинини ҳам инсон қилиб тарбиялайдиган бетимсол мактаб деб ҳисоблайман. Керак бўлса унинг китобларини тинимсиз ўқиши, сабоқларидан ибрат олиш нақадар маракли “- деб ёзиб қолдирган эди.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда барча ота – оналар учун, оилада фарзандини камолини кўриш, уни баҳтли бўлишидек муқаддас туйғу бўлмаса керак. Юртимизнинг ҳар бир фарзанди ва ёшлари ана шундай баҳтга муносибдирлар. Ҳар бир инсоннинг фарзанди унинг қувончи, баҳти, баҳтиёрлиги, давомчиси ва кексайганда суюнчиғидир. Йўргакка ўралган чақалогини ilk бора қўлга олган она ёки ота уни келажакда ёмон одам бўлишини ният қилмайди. Ёшлигидан Ота-она ўз фарзандига тўғри тарбия бериш билан бирга катталарга муносабат ҳамда, мулоқот маданиятини вақтида ўргата олса ҳамда, орзу - умидлар, яхши ниятларда тарбия деб аталмиш машаққатли давонларни босиб ўтсагина ўзи орзу қилганидек фарзанд тарбиялай олдим дея, - айта олади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ш.Р.Бахриддинов. Педагогика ва психология асослари. Касб-хунар коллажлари учун ўқув қўлланма. 2-нашри. Тошкент “Илм зиё” 2017 йил.
2. Оила психологияси. Академик литецей ва касб-хунар коллажлари ўқувчилари учун ўқув қўлланма. 1-нашри. Тошкент - 2013 йил.